

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1159-ҳадис**

1159- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَوْصَانِي خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِصِيَامِ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ، وَكَعْتِي الضُّحَى، وَأَنْ أُوتِرَ قَبْلَ أَنْ أُقْدَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1981، م 721].

وَالْإِيتَارُ قَبْلَ النَّوْمِ إِنَّمَا يُسْتَحَبُّ لِمَنْ لَا يَتَّقُ بِالْإِسْتِيقَازِ آخِرَ اللَّيْلِ فَإِنْ وَثِقَ فَأَخِرُ اللَّيْلِ أَفْضَلُ.

1159. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Халилим соллаллоху алайҳи васаллам менга ҳар ойда уч кун рўза тутишни; чошгоҳнинг икки ракъатини; ётишдан олдин витр ўқишни тайинлаганлар васият қилганлар».

Муттафақун алайҳ.

Ухлашдан олдин витрни ўқиш кечанинг охирида уйғонишига ишонмаган кишилар учун мустҳабдир. Агар уйғонишига ишонса, кечанинг охирида ўқиш афзалдир.

Шарҳ: Халил деб холис, синалган, насиҳатгўй, вафодор, чин дўстга айтилади. Халил қалбан бирлашиб кетган, дилдан боғланган деганидир. Унинг маъносини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Агар Аллоҳдан бошқани халил тутиш мумкин бўлганида, Абу Бакрни халил тутар эдим», деган сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин.

Абу Ҳурайра розияллоху анху фахр билан Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламни халилим – холис синалган дўстим деб атамоқдалар.

Ушбу ҳадиси шарифда уч нарсага тарғиб қилинмоқда:

1. «Ҳар ойда уч кун нафл рўза тутмоқ».

Бу масала «Рўза» китобида батафсил келади. Ўшанда, Аллоҳ хоҳласа, ҳар ойда уч кун нафл рўза тутмоқ йил бўйи рўза тутишга тенг эканини ҳам ўрганасиз. Ҳозир эса ушбу набавий васиятга амал қилмай юрган ҳар ойда уч кун нафл рўза тута бошласалар яхши бўлади.

2. «Икки ракат чошгоҳ намози».

Бу намоз аввобийнлар намозидир. Бу ҳадисда эса, чошгоҳ намози Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий васиятлари сифатида васф қилинмоқда. Биз эса, бу набавий васиятга ҳам амал қилиб, авваллари бу намозни ўқимай юрган бўлсак, ушбу ҳадисни ўрганганимиздан кейин уни ўқишга киришмоғимиз лозим.

3. «Ухлашдан олдин витр намози ўқиш».

Мусулмон киши агар кечаси таҳажжуд намозига туришига ишонмай, ухлаб қолишдан қўрқса, ухлашидан бевосита олдин витр намозини ўқиб ётиши керак. Биз бу набавий васиятга ҳам ҳаётимиз бўйи амал қилишимиз зарур.

Манба: hadis.islom.uz

